



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Муҳаммад Султанов

Богдод қўлга олингандан сўнг

1-кисм

Мусулмонлар давлати заифлашган даврлар бўлган, аммо халифалик яна бошидан оёкка туриб, кучли ва кудратли давлатга айланиб, бутун мусулмон умматини бирлаштирар эди. Лекин мусулмон ўз халифасини ва бутун халифаликни йўқотганидан сўнг қандай йўл тутиши керак? Бундай ҳолатда мусулмонларнинг бирлашиши ниҳоятда кийин, ҳатто иложсиз. Ниҳоят шундай давр келди: Исломи олами пойтахти Богдод фатх қилинди, шу билан биргаликда халифалик ҳам халифа ҳам кулади. Халифа ва у билан халифаликнинг йўқ бўлиши – бу мусулмонлар учун жуда катта фожиа эди. Богдод фатх қилингандан сўнг мўғуллар шаҳардаги ва унинг атрофидаги мусулмонларнинг мулкларини талон-тарож қилишар, одамларни ўлдиришар, шаҳарларни вайронага айлантиришар ва Исломи маданиятини йўқотишар эди. Богдоддаги жинойтчилик ва кийинчиликлар қирк кечаю қирк кундуз давом этиб, кўчалар одамларнинг ўликларига тўлиб, ерлар қондан қизилга бўялиб кетган эди. Шаҳар уйқуга кетган, фақат мўғулларнинг қулгуси, бор-будидан айрилган аёллар ва ёш болаларнинг йигисидан бошқа нарса эштилмас эди. Қирк кун давом этган бу ваҳшийликлардан сўнг Хулағо кўшинига вабо тарқалишидан кўркиб, (шаҳар ичида бир миллиондан ортиқ жасадлар кўчаларда ётар эди) фармон чиқаради. Унга кўра:

1. Аскарлар орасида вабо тарқалишининг олдини олиш мақсадида бутун кўшин Богдоддан чиқарилиб, Ироқ шимолидаги шаҳарларга юборилиши, мўғулларнинг кичик гуруҳи Богдод атрофига жойлаштирилиб, ҳар қандай игволарнинг олди олиниши керак;

2. Богдодда аҳоли учун тўлик хавфсизликни таъминлаш ва мусулмонлардан бирортасини ўлдирилмаслик керак. Яширинган барча одамлар яширин жойларидан чиқиб ўликлари кўмиш учун имкон яратиб бериш. Лекин бир миллиондан ортиқ одамни кўмиш жуда ҳам оғир иш бўлиб, бунга жуда кўп вақт кетади. Хаво ўзгармагунча буни қилишмаса, бутун Ироқ ва Шомга касаллик тарқалиши эҳтимоли бор. Бордию эпидемия тарқалса, мусулмон ёки мўғулни ажратиб ўтирмас эди. Шунинг учун Хулағо ўликларнинг барчасидан Богдод аҳолиси ёрдамида қутулмоқчи эди. Ранглари оқарган, озиб кетган, оғир ахволдаги мусулмонлар яширин жойларидан чиқиб бир-бирларини танишмас эди. Ҳамма ўликлар орасидан ўзининг ога-инисини, отасини, онасини, боласини излашга тушди. Мусулмонлар зудлик билан ўликларни кўмишга киришдилар, аммо Хулағо тахмин қилганидек, шаҳарда жуда даҳшатли эпидемия бошланиб, қаллақесарлардан омон қолган мусулмонларнинг жуда кўпи ҳалок бўлди. Бу ҳақида Ибн Қасир қуйидагини ёзади: “Қиргиндан тирик қолганлар вабодан қочиб қутула олмади. Бу Богдодни эгаллаган яна бир офат эди. Аллохдан ўзга ҳеч қимда на қуч ва на қудрат бор”.

3. Мўгуллар томонидан Богдодда тузилган янги бошқарув кенгашига шиа Муаййид ад-дин Ибн Ал-Алкомийни тайинлаш керак. Аммо Ал-Алкомий шунчаки кўргазма учун тайинланган бўлиб, тўлик бошқарув факат мўгуллар кўлида эди. Шунингдек, мўгуллар Ал-Алкомийни хар кадамда пастга уришар эди. Бу нафакат Хулаго ёки унинг юкори мартабали кўмондонлари, балки оддий аскарлар томонидан ҳам юз берарди. Кунлардан бир куни бундай пастга уришларни бир аёл кўриб колган. Ўшанда Ал-Алкомий отига минмокчи бўлганда оддий аскарлар унинг отини хипчин билан уриб хуркитишар эди. Шунда аёл унга караб: “Аббосийлар сенга шундай муносабатда бўлишганми?” – деб сўрабди (Ал-Бидоя ва ан-нихоя). Бу аёл Аббосийларнинг собик бош вазири эътиборини халифа давридаги холатига ва хозирги холатига каратмокчи бўлган. Бунгача у халк етакчиси бўлиб, бутун халк ва хатто халифа ҳам унинг гапларига кулок солар эди. Энди эса ахволига каранг. Мўгулларнинг оддий аскарлари ҳам уни хохлаган жойида пастга уриши мумкин. Ўз юртини, халқини, динини, обрўсини сотган вазирнинг бундай ахволга тушиши, хатто душмалари томонидан ҳам хурмат килинмаслиги аник эди. Бундай инсонлардан фойда бўлгунича фойдаланишар, фойдаси тегмай колганидан сўнг кадр-киймати бир пул бўлар эди. Аёлнинг бу гаплари Ибн Ал-Алкомийга жуда огир ботиб кетади. Кайгуга тушган ва шарманда бўлган Богдод “хукмдори” ўз уйига кириб кетади. Унинг умидлари пучга чиккан эди, аслида мўгулларнинг боскинидан энг кўп талафот кўрган одам ўзи бўлди. Ха, хозирда у Богдод хукмдори, аммо унда хеч кандай хокимият кучи йўк, вайронага айланган, кули кўкка совурилган, ўликлар ва касаллар хукмдори эди. Ибн Ал-Алкомий бу шармандаликларни кўтара олмасдан, бир неча кундан сўнг, яъни хижрий 656 йили мўгуллар боскинидан бир неча ой ўтгач шармандаликда, хор-зор бўлиб, на ўзи ва на авлодлари учун хеч кандай фойда келтира олмасдан ёлгизликда вафот этади.

Санжар Кобил таржимаси